Photosynthesis is one of the most important processes in plants, and data on metabolism make it possible to determine the effectiveness of agricultural techniques used in the formation of crop yields. Rational use of climate, soil resources, as well as methods of agrotechnical influence ensures optimal leaf surface area. The experiments were carried out on Intensive, Unumli-bugdoy, Sanzar 8, Skifyanka varieties.

When the level of photosynthetic potential in the earliest planting options (September 15) was set equal to 100%, the differences between planting periods were even more noticeable. It is noticed that the photosynthetic potential of plants planted on September 30 and October 15 is significantly higher than that of plants planted in the early period.

The cultivars differ slightly from each other in terms of photosynthetic potential based on their biological properties. The average photosynthetic potential of Sanzar-8 wheat sowing in the temperate period (October 15) is 812,6 thousand  $m^2/ha$ , the photosynthetic potential of Intensive wheat sowing is 809,0 thousand  $m^2/ha$ . The photosynthetic potential of the Skifyanka was 787,6 thousand  $m^2/ha$ , and the average photosynthetic potential of the Skifyanka was 696,3 thousand  $m^2/ha$ .

An analysis of observations showed that wheat varieties studied at different planting times had different effects on leaf index and photosynthetic potential. During temperate climates, 30 September and especially 15 October, the leaf index of the planted plants and therefore the photosynthetic potential will be high. It is noticed that in plants of early planting (September 15), these indicators are somewhat lower. In late planted plants, the number of leaves and photosynthetic potential are sharply reduced.

**Key words:** winter wheat, winter hardiness, sowing time, unfavorable factors, soil and climatic conditions, photosynthesis, photosynthetic potential, productivity, grain quality.

### Кириш

Бугунги кунда ва ҳамиша ахолини озиқ-овқат маҳсулотлариға, жумладан нон ва нон маҳсулотлариға бўлган эҳтиёжини қондириш долзарб масала бўлиб қолаверади. Бу борада республикамиз ва хориж олимлари

суғориладиган ва лалми шароитларда дон етиширишни кўпайтириш ва унинг сифатини ошириш бўйича турли экстремал шароитларга бардошлилик селекцияси, суғориш, ўғитлаш, баргидан озиқлантириш, экиш муддатларини асослаш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда ҳамда муайян натижаларга эришилмоқда.

Маълумки, яшил ўсимликларнинг ҳаёти узлуксиз равишда, органик моддалар тўплаш ва табиатга кислород ажратиш билан тавсифланадиган фотосинтетик фаолият боғлиқ. Чунки бу жараён, нафақат ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, балки ўсимликда кечадиган барча физиологик жараёнларни мувофиқлаштириб, ҳосилдорликни белгилайди. Шунинг учун ҳам ўсимликшунослик ва дехқончиликда кўлланиладиган барча технологик тадбирлар экинзорнинг фотосинтетик фаолиятини мақбуллаштиришга қаратилиши мақсадга мувофиқ.

### Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Кузги буғдой навларини экиш муддатлари ва усулларини тўғри белгилаш республикамиз ғаллачилик тармоғини ривожлантириш ва ғалла мустақиллигини янада мустаҳкамлашда ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қиласди.

Кузги буғдой навларини экиш муддатини тўғри ташкил этиш суғориладиган ерлардан ғалладан юқори ва сифатли ҳосил олишнинг муҳим омилларидан биридир. Экиш муддати уруғларнинг униб чиқишига, илдиз тизимининг шаклланишига, ривожланиш даврларининг давомийлигига, тупланишига, ўсимликларнинг совуққа, касаллик ва зааркунандаларга чидамлилигига, ўсимликнинг фотосинтетик фаоллигига, дон ҳосилдорлигига ва унинг сифатига сезиларли таъсир қиласди.

Р.И.Сиддиқовнинг [11] фикрича, Р.И.Сиддиқов, Р.Ш.Телляев [14] ва бошқаларнинг тажрибасидан маълумки, кузги буғдойни кузги вегетация тугашига 45-60 кун қолганда, ҳатто турли тупроқ-иклим шароитларида ҳам экиш мақсадга мувофиқдир. Бу даврда хароратнинг умумий самарадорлиги 450-620 °C га етади.

С.Турсунов, Н.Тешабоев, С.Акбаров [16] Н.Х.Халилова, М.Атамуродова [18]



## Озиқ-овқат хавфсизлиги: Миллий ва глобал мұаммолов 2021/1

тажрибалари шуни күрсатады, уруғлар шу күнларда әкілгандан 2-3 та, кейинчалик 5 тағача поя хосил қилған. Бундай ўсимликларнинг қишиға чидамлилиги ва маҳсулдорлиги ҳам юқори бўлади.

Буғдойнинг ноқулай шароитларга, совукқа, касаллик ва зааркунандаларга чидамлилиги маълум даражада әкиш муддатига боғлиқ. Агар кузги буғдой кеч униб чиқса, ўсимликларда заиф, юқори қатлам жойлашган ва ёмон ривожланган илдиз тизимини хосил бўлади, бу эса қишида буғдой майсаларининг сезиларли даражада заарланишига, пояси ингичка ва нозик бўлиши, ҳатто ўсимликларнинг нобуд бўлишига олиб келади [9,15].

Ўзбекистонда ўтказилган тажрибалар натижаларига кўра, суғориладиган ерларга кузги уғдой әкиш муддати тупроқ-иқлим шароитига, навнинг биологик хусусиятларига боғлиқ. Н.Халилов, М.Атамуродова [18] нинг Самарқанд вилоятининг суғориладиган ерларида ўтказган тажрибаларида Безостая-1 биологик кузги буғдойни әкиш учун оптималь муддат октябрь ойининг биринчи ўн кунлиги, биологик баҳори ва дуварақ, масалан, Интенсивная, Унумли буғдой каби навлар учун эса октябрь ойининг иккинчи ўн кунлиги.

Қ.Жураев, А.Ҳайдаров, Г.Раҳматуллаев [1] маълумотларига кўра, Самарқанд нав синаш даласида ўтказилган тажрибалар, фаллани кузда әкиш баҳорга қараганда анча кўп ва яхши хосил олиш мумкинлигини кўрсатади. Кузда әкишида 1000 дона дон массаси баҳорги буғдойга нисбатан 9 г га, арпада эса 14 г га ошади.

Илмий манбалар таҳлилига кўра, кузги буғдой навларининг биологик хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда, әкиш минтақасидан қатъий назар, кузги вегетация даврининг давомийлиги 45-60 кун ёки доимий аёзлар бошланишидан 50-60 кун олдин уруғ әкиш тавсия этилади [8,13].

Кузги буғдойнинг кузда ўсиши, ривожланиши, пишиб етилиши әкиш муддати, усули, нав хусусияти, йилнинг об-ҳаво шароити, ўғитлаш, суғориш ва ўтмишдошларга боғлиқ. Шунинг учун оптималь әкиш муддати Қозоғистоннинг Олмаота, Толди-Қўргон, Жамбул вилоятларида 10-15 октябрь, Чимкентда 20-30 сентябрь [6], Ўзбекистоннинг

Самарқанд вилоятида 10-15 октябрь, Қашқадарёда 21 октябрь, Тошкент вилоятида 5-10 октябрь ва Қорақалпоғистон Республикаси 21 сентябрдан 10 октябрғача, Шимолий Кавказда 10 сентябрдан 20 сентябрғача [3].

Кўпгина тадқиқотчилар экишнинг кечикиши билан 1000 дона дон массаси, натиураси, оқсил ва клейковина микдори камайиб боришини таъкидлайдилар. Кузги буғдойни әкиш муддати доннинг физик, биокимёвий ва технологик сифатларига сезиларли даражада таъсир қиласи [4,12].

К.Мусинов [6] тажрибаларида Шимолий Қозоғистон шароитида кузги буғдойнинг Мироновская 808 навидан 30 августда әкілгандан қиши олдидан ҳар бир ўсимлик 1,9-2,3 та поя бериши аниқланган. Даля шароитида энг юқори униб чиқиши 30 августда әкілгандан кузатилган. 10 августда әкиш қишиға чидамлиликни ва маҳсулдорликни пасайтирган.

Р.Х.Хиромагомедов, Ф.М.Казиметова, О.А.Гасангусяинов [21] маълумотларига кўра, Доғистонда кузги буғдой әкишнинг оптималь муддати текисликда сентябрнинг охирги ўн кунлиги, тоғ этакларида октябрь ойининг биринчи ўн кунлиги, тоғларда август ойининг учинчи ўн кунлиги.

Кузги буғдой жуда эрта әкілганида, ҳарорат жуда юқори бўлиб, қишлоғгача ўсимликлар кучли ўсади ва натижада турли замбуруғ касалларни ва зааркунандалар билан заарланади. Кеч әкілгандан улар қишлоғгача етарлича туплана олмайди, пластик моддалар етарли микдордаги тўпламайди ва кўп ҳолларда ўсимликлар қишлоғда нобуд бўлади. Бундай ўсимликларнинг ноқулай экологик омилларга чидамлилиги пасаяди, хосил камаяди [10,15,17,19,20,22].

Шундай қилиб, адабиёт маълумотларининг таҳлили шуни күрсатады, кузги буғдой әкишнинг оптималь муддати минтақанинг тупроқ-иқлим шароитига, навнинг биологик хусусиятларига қараб белгиланиши мақсадга мувофиқ.

### Тадқиқот методологияси

Тажрибаларда буғдойнинг биологик кузги “Санзар-8”, “Скифянка”, “Интенсивная”, “Унумли-буғдой” навлари уруғлари 6 муддатда: 15-сентябрь, 30-сентябрь, 15-

октябрь, 30-октябрь, 15-ноябрь ва 30-ноябрда экилди.

Тажриба варианталы 4 тақрорлық да иккі ярусада жойлаштирилди. Ҳар бир майдонча юзаси  $50 \text{ m}^2$  ни ташкил этди. Бұғдой навларини етиштиришда тупроқ намлиги ЧДНСГа нисбатан 70% даражасыда сақланды. Тажрибада минерал үғитлар N200P140K100 кг/га меъёрда құлланилди. Шудгорлашдан олдин фосфорли ва калийли үғитлар түлиқ құлланилди, азотлы үғитлар иккі муддатда құлланилди: эрта баҳорда – тупланиш фазасы бошланишида ва найчалаш фазасы бошланишида.

Фенология күзатыштар ва биометрик үлчовлар «Методика государственного сортиспитания сельскохозяйственных культур» [5] бўйича ўтказилди.

Барг юзасини  $S=a*b^{0,67}$  формуласи асосида, фотосинтез соғ маҳсулдорлик ва фотосинтез потенциали А.А. Ничипорович [7] услуби бўйича аниқланди.

Олинган маълумотларнинг дисперсион таҳлили Б.А. Доспехов [2] бўйича амалга оширилди.

## Таҳлил ва натижалар

Буғдой навларининг фотосинтетик потенциали уларнинг экиш муддатлари, ривожланиш босқичлари ва навларнинг биологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда ўзгаришини күрсатади. Буғдой навларнинг нисбатан фаол ўсиш ва ривожланиш босқичларида (найчалаш, бошоқлаш ва гуллаш) фотосинтетик потенциал юқори бўлиб, мум пишиш фазасида пасаяди. Доңларнинг мум пишиш фазасида фотосинтетик потенциалнинг камайиши, пастки баргларнинг сарғайиши, қуритиш ва тушиб кетишига боғлиқ бўлади. Энг катта фотосинтетик потенциал навларнинг бошоқлаш ва гуллаш фазаларида күзатилди. Навларнинг ҳамма фазалари учун энг юқори ва мўътадил фотосинтетик потенциал экиш муддати 15 октябрга тўғри келади. Бу муддатдан эрта, айниқса, кеч муддатларда экилган ўсимликларнинг фотосинтетик потенциали кам бўлади. Энг кам фотосинтетик потенциал 30 ноябрда экилган варианtlарда күзатилади. Мўътадил муддатдан кеч, яъни, 30 ноябрда экилган «Санзар-8» навининг фотосинтетик потенциали фазалар бўйича 3,7 дан 5,3

мартағача камайиб, ўртача  $187,5 \text{ минг м}^2/\text{га}$  кунга тенг бўлса, 15 октябрда экилган вариантда бу кўрсаткич ўртача  $812,6 \text{ минг м}^2/\text{га}$  кунга тенг келади. Шунга ўхшаф фарқлар бошқа навларда ҳам кузатилади, яъни, «Интенсивная» навининг фотосинтетик потенциали фазалар бўйича 4,3 дан 6,3 мартағача, «Унумли-буғдой» навининг фотосинтетик потенциали 3,5 дан 4,8 мартағача ва «Скифянка» навининг фотосинтетик потенциали 4,0 дан 5,9 мартағача кам бўлиши аниқланди.

Агар энг эрта экилган (15 сентябрь) варианtlардаги фотосинтетик потенциалини 100% деб ҳисобласак, у ҳолда экиш муддатлари ўртасидаги фарқлар янада яхшиrok кўзга ташланади. Келтирилган маълумотлардан аниқланишича, эрта муддатда экилган ўсимликларга нисбатан 30 сентябрь ва 15 октябрда экилган ўсимликларнинг фотосинтетик потенциали сезилари даражада кўп бўлиши кузатилади.

Бундай кўпайиш буғдойнинг «Интенсивная» навида 43,9-88,1%, «Унумли-буғдой» навида 45,6-83,2%, «Санзар-8» навида 37,5-79,2% ва «Скифянка» навида 31,2-72,8% га тенг бўлди. Кеч экилган варианtlарда, айниқса, 15 ва 30 ноябрда экилган варианtlарда (15 сентябрга нисбатан) фотосинтетик потенциал жуда паст бўлди. Натижада ўртача фотосинтетик потенциал «Санзар-8» навида 25,2-58,6%, «Интенсивная» навида 24,1-59,6%, «Унумли-буғдой» навида 32,7-55,0 % ва «Скифянка» навида 30,1-63,1% кам эканлиги кузатилди.

Навлар биологик хусусиятлари асосида фотосинтетик потенциалнинг миқдори билан бир-биридан бироз фарқ қиласи. Мақбул муддатда (15 октябрь) экилган «Санзар-8» буғдой навининг фотосинтетик потенциали ўртача  $812,6 \text{ минг м}^2/\text{га} * \text{кунга тенг бўлса}$ , шу тартибда «Интенсивная» навининг фотосинтетик потенциали  $809,0 \text{ минг м}^2/\text{га} * \text{кун}$ , «Унумли-буғдой» навининг фотосинтетик потенциали  $787,6 \text{ минг м}^2/\text{га} * \text{кун}$  ва «Скифянка» навининг фотосинтетик потенциали ўртача  $696,3 \text{ минг м}^2/\text{га} * \text{кунга тенг бўлди}$ .

Келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳар хил экиш муддатлари ўрганилган буғдой навлари барг индекси ва



фотосинтетик потенциалига турлича таъсир этади. Мақбул муддатларда, 30 сентябрда ва айникса 15 октябрда экилган ўсимликтарнинг барг индекси (барг сатхи) ва шу асосда фотосинтетик потенциали юқори бўлди. Эрта экилган (15 сентябрь) ўсимликтарнинг бу кўрсаткичлари бироз пастроқ эканлиги кузатилди. Кеч экилган ўсимликтарнинг барг сатхи ва фотосинтетик потенциали кескин камайди. Фикримизча, фотосинтетик потенциалнинг бундай камайиши ўсимликтарнинг қишлоғ давридаги ҳолатларига боғлиқ.

Ўрганилган буғдой навларининг қуруқ модда тўплаш даражаси экиш муддатларига боғлиқлигини кўрсатади. Уч йил давомида ўтказилган тажрибалар даврида тўпланган маълумотлар, ўсимликтар танасидаги қуруқ модданинг миқдори, улар 30 сентябрь ва айникса, 15 октябрда экилганда энг юқори бўлишини кўрсатади.

Бу муддатларда экилган ўсимликтарнинг қуруқ массаси ўртача «Санзар-8» нави учун 32,7-37,5 г/туп, «Интенсивная» нави учун 34,7-39,3 г/туп, «Унумли-буғдой» нави учун 30,3-35,8 г/туп ва «Скифянка» нави учун 27,9-30,0 г/тупга тенг бўлди. Бу кўрсаткичлар эрта экилган (15 сентябрь) ўсимликтарнинг қуруқ массасига нисбатан «Санзар-8» навида 18,0-35,4%, «Интенсивная» навида 14,5-29,7%, «Унумли-буғдой» навида 13,9-34,6% ва «Скифянка» навида 12,0-20,5% кўплиги аниқланди.

Кеч экилган (айникса, 15 ва 30 ноябрь) ўсимликтарнинг қуруқ массаси жуда камлиги билан фарқ қиласи. Экиш муддати 30 ноябрь бўлган ўсимликтарнинг ўртача массаси барча навлар бўйича 17,5-21,1 г/туп бўлганлиги ҳисобга олинди. Бу кўрсаткичлар эрта экилган ўсимликтарга нисбатан 29,7-31,8% кам бўлса, мақбул муддатда (15 октябрь) экилган ўсимликтарнинг массасига нисбатан 50,2-67,2% кам бўлиши аниқланди. Экиш муддати 30 октябрь ва 15 ноябрь бўлган вариантлар оралиқ ўринларни эгаллади.

Умуман, ўрганилган буғдой навлари учун турли экиш муддатлари ўсимликтарнинг қуруқ масса тўплашига кучли таъсир этади. Барча навлар учун энг кўп қуруқ масса 15 октябрда экилган ўсимликтарга ва энг кам масса жуда кеч 30 ноябрда экилган

ўсимликларга тўғри келди.

Буғдой навларининг вегетацияси даврида ўсимликлар фотосинтез соф маҳсулдорлиги ўзгариб турди. Ўсимликлар ривожланишининг найчалаш ва бошоқлаш босқичларида бу кўрсаткич бирмунча юқори бўлиб, гуллаш фазасида фотосинтез соф маҳсулдорлиги энг юқори эканлиги кузатилди. Кейинчалик донларнинг мум пишиш фазасигача фотосинтез соф маҳсулдорлиги сезиларли даражада камайиб борди.

Эрта экилган (15 сентябрь) навларга нисбатан, 30 сентябрь ва 15 октябрда экилган навларнинг фотосинтез соф маҳсулдорлиги энг юқори кўрсаткичга эга бўлди. Экиш муддати 30 сентябрь ва 15 октябрь бўлган «Санзар-8» нави ўсимликлари фотосинтез соф маҳсулдорлиги, 15 сентябрда экилган ўсимликларга нисбатан найчалаш фазасида 17,1-31,1%, бошоқлаш фазасида 18,4-34,7%, гуллаш фазасида 15,1-18,9%, донларнинг мум пишиш фазасида 41,9-50,9% ва вегетация давомида ўртача 19,8-30,3% га юқори бўлди. Шунга ўхшаш фарқлар бошқа навларда ҳам кузатилади. «Интенсивная» нави ўсимликлари ҳам шунга ўхшаш бўлиб, фотосинтез соф маҳсулдорлиги найчалаш фазасида 17,8-33,3%, бошоқлаш фазасида 21,9-30,9%, гуллаш фазасида 191,1-15,6%, мум пишиш фазасида 22,1-35,3% ва вегетация давомида ўртача 19,7-26,7 га юқори бўлди. Шунингдек, «Унумли-буғдой» нави ўсимликлари фотосинтез соф маҳсулдорлиги найчалаш фазасида 22,0-36,3%, бошоқлаш фазасида 22,1-36,9%, гуллаш фазасида 14,4-18,2%, мум пишиш фазасида 29,2-43,3% ва вегетация давомида ўртача 20,1-30,8% юқори бўлса, «Скифянка» нави ўсимликлари фотосинтез соф маҳсулдорлиги найчалаш фазасида 2,9-36,2%, бошоқлаш фазасида 7,5-10,2%, гуллаш фазасида 19,8-26,9%, мум пишиш фазасида 27,7-50,8% ва вегетация давомида ўртача 13,1-27,8% га юқори бўлди.

Экиш 15 ва 30 ноябрда ўтказилган ўсимликлар фотосинтез соф маҳсулдорлиги навлар вегетацияси давомида жуда кам бўлди. Бундай камайиши ўрганилган ҳамма навларда кузатилди. Фотосинтез соф маҳсулдорлигининг камайиши вегетация давомида ўртача «Санзар-8» навида 5,1-9,0%, «Интенсивная» навида 4,4-15,9%, «Унумли-буғдой» навида 7,4-16,7% ва

«Сикиянка» навида 6,1-15,5% га тенг бўлди.

Шундай қилиб, 15 октябрда экилган буғдой навлари ўсимликлари фотосинтез соф маҳсулдорлиги энг юқори бўлиб, ноябрда экилган, айниқса, 30 ноябрда экилган буғдой навларининг фотосинтез соф маҳсулдорлиги кескин паст бўлиши аниқланди. Бу экиш муддатлари ўртасидаги фарқлар «Санзар-8» нави учун 39,3%, «Интенсивная» нави учун 42,6%, «Унумли-буғдой» нави учун 47,5% ва «Сикиянка» нави учун 43,3% га тенг бўлди.

Ўсимликларнинг фотосинтез соф маҳсулдорлиги миқдори бўйича ўртача фарқлар «Санзар-8», «Интенсивная» ва «Унумли-буғдой» навлари ўртасида кам бўлиб, бу навларга нисбатан «Сикиянка» нави ўсимликлари фотосинтез соф маҳсулдорлиги сезиларли даражада камлиги кузатилди. Мақбул муддатларда (15 октябрь) экилган «Сикиянка» нави ўсимликларида бундай камайиш «Санзар-8» навига нисбатан 17,5%, «Интенсивная» навига нисбатан 15,8% ва «Унумли-буғдой» навига нисбатан 17,3%, уруғлар кеч экилганда (30 ноябрь) бундай фарқлар янада кўпроқ, «Санзар-8» навига нисбатан 24,2%, «Интенсивная» навига нисбатан 16,3% ва «Унумли-буғдой» навига нисбатан 13,0% кам бўлди.

Умуман, барча экиш муддатлари ва ўрганилган фазалар бўйича олинган ўртача маълумотлар асосида навларни қуйидаги тартибда жойлаштириш мумкин: «Санзар-8», «Интенсивная», «Унумли-буғдой» ва «Сикиянка». Экиш 30 сентябрь ва айниқса, 15 октября ўтказилган ўсимликлар фотосинтез соф маҳсулдорлиги энг юқори бўлиб, 30 ноября экилган ўсимликларнинг фотосинтез соф маҳсулдорлиги энг кам бўлди. Бошқа муддатларда экилган ўсимликлар фотосинтез соф маҳсулдорлиги бўйича оралиқ ўринларда бўлди.

## Хулоса ва таклифлар

Буғдой навларининг қишлоғга чидамлиги майсаларнинг физиологик-биокимёвий хусусиятларига асосланган ҳолда содир бўлади. Бизнинг тажрибаларимизда мақбул муддатларда экилган буғдой навларида аминокислоталарнинг умумий миқдори нисбатан кўп бўлиб, эрта ва айниқса, кеч экилган вариантларда кам бўлиши аниқланди. Майсаларнинг қишлови даврида

аминокислоталарнинг умумий миқдори аланин, валин, аспарагин кислотаси, глютамин кислотаси ва айниқса, пролин аминокислоталари ҳисобига сезиларли даражада кўпайди. Навларнинг қишлоғга чидамлилик даражасини белгиловчи энг муҳим аминокислота – пролиннинг миқдори, қишининг ўртасида кузга нисбатан «Санзар-8» навида 610%, «Интенсивная» навида 594%, «Унумли-буғдой» навида 550% ва «Сикиянка» навида 400% гача кўпайиши аниқланди. Натижада ўсимликларнинг қишлоғдан чиқиши учун қулай муҳит ҳосил бўлиб, ўсимликларнинг кейинги ўсиши ва ривожланишида ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Экинзорнинг фотосинтетик потенциали мақбуллашиб, ўсимликларнинг фотосинтез соф маҳсулдорлиги ошди. Пировард натижада маҳсулдорлик ва ҳосилдорлик ошиб, донинг сифати яхшиланиши таъминланди.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Жураев К., Хайдаров А., Рахматуллаев Ф. Ёзға-ғалла навбатлаб экиш тизимларида кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлиги // Республика илмий-амалий анжумани материаллари. –Тошкент, 2013. –Б. 202-204.
2. Досспехов Б.А. Методика полевого опыта. –М.: Колос, 1985. – 350 с.
3. Захаров П.Я., Беленков А.И., Крейс В.А., Журкевич О.А. Влияние основных обработок южных почв на урожайность зерновых и отдельные факторы плодородия // Зерновое хозяйство. - Москва, 2005. -№5. -С. 31-33.
4. Карпова Л.В. Продуктивность озимой пшеницы при разных сроках сева // Зерновое хозяйство. - Москва, 2005. -№5. - С. 26-29.
5. Методика Государственного сортиспытания сельскохозяйственных культур. - М.: Колос, 1971. -239 с.
6. Мусинов К.М. Осеннее развитие озимой пшеницы и его влияние на перезимовку растений в условиях сухой степи Северного Казахстана // Зерновое хозяйство. - Москва, 2005. -№3. -С. 16-19.
7. Ничипорович А.А. Фотосинтез и урожай. –М.: «Знание», 1966. -186 с.
8. Орипов Р., Бобомирзаев., Рахимов А. Қаттиқ буғдой: ҳосилдорлик, сифат, экиш муддати // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. - Тошкент, -2008. -№4. -Б. 11.
9. Перемечева И.В. Влияние срока посева на урожайность озимой пшеницы // Актуальные проблемы научно-инновационной и



## Озиқ-овқат хавфсизлиги: Миллий ва глобал муаммолар 2021/1

внедренческой деятельности в АПК: Тез. докл. Межрег. науч. конф. 2005. - Ижевск, 2005. -С. 59-62.

10. Сатторов М. Россия юмшоқ буғдой навларининг Тошкент вилояти шароитидаги хосилдорлиги // Кишлоқ хўжалигига илгор тажрибалар Андижон тажрибаси. Илмий мақолалар тўплами: 1-китоб. -Андижон, 2004. -Б. 285-287.

11. Сиддиқов Р.И. Сугориладиган ерларда кузги буғдойдан мўл ва сифатли дон етиштириш бўйича ғаллакор хўжаликлар раҳбарлари ва фермерлар учун кўлланма. -Андижон. 2005. -Б. 32.

12. Сиддиқов Р.И. Качество зерной озимой пшеницы и пути её улучшения в процесс технологии выращивания // Ўзбекистонда буғдой селекцияси, ургучилиги ва етиштириш технологиясига бағишлиган биринчи миллий конференция материаллари, 17-18 май 2004 йил. -Тошкент, 2004. -Б. 261-263.

13. Сиддиқов Р.И. Сугориладиган ерларда кузги буғдой етиштириш технологиясини такомиллаштиришнинг илмий-амалий асослари: Кишлоқ хўжалиги фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Тошкент. 2007. -29 б.

14. Сиддиқов Р.И., Телляев Р.Ш. Сугориладиган ерларда кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон етиштириш бўйича тавсиянома. -Андижон. 2004.

15. Солиева С. Кузги буғдой: муддат ва меъёр // «Ёш олимлар – қишлоқ хўжалик фани ва амалиётини юксалтиришда етакчи куч», Ўзбекистон республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидағи илмий ва олий таълим муассасалари магистрлари, аспирантлари, тадқиқотчилари ва докторантларининг илмий-амалий конференцияси илмий мақолалар тўплами, I-жилд. -Тошкент, 2008. -Б. 160-161.

16. Турсунов С., Тешабоев Н., Акбаров С. Кузги буғдой навларининг хосилдорлиги // Республика илмий-амалий конференция тўплами. -Тошкент, 2011. -Б. 220-221.

17. Халилов Н. ва бошқалар. Кузги буғдой етиштириш технологиясини такомиллаштириш шартлари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2007. - №5-6. -Б. 35-37.

18. Халилов Н., Атамурадова М. Фўза-буғдой алмашлаб экишда ресурстежамкор технология // Республика илмий-амалий конференция тўплами. -Тошкент, 2011. - Б. 80-82.

19. Халилов Н., Қличев А. Кузги буғдой хосили ва дон сифатининг шаклланиш хусусиятлари // Аграр фани хабарномаси. -Тошкент, 2008. - 1(31). - Б. 7-10.

20. Халилов Н.Х., Умирзаков Б.Э. Особенности сортовой агротехники интенсивных сортов озимой пшеницы на полива // Ўзбекистонда буғдой селекцияси, ургучилиги ва етиштириш технологиясига бағишлиган биринчи миллий конференция материаллари, 17-18 май 2004 йил. -Тошкент, 2004. -Б. 283-287.

21. Хиромагомедов Р.Х., Казиметова Ф.М., Гасантусейинов О.А. Возделывание основных зерновых культур в Дагестане при дефиците материально-технических средств // Зерновое хозяйство. -Москва, 2005. -№7. -С. 13-15.

22. Эрназаров И., Эрназарова Н. Кузги буғдой қайси ҳолатда совуқ таъсиридан нобуд бўлади // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2013. -№11. -Б. 22-23.

## **СОЯНИНГ ФОТОСИНТЕТИК ФАОЛИЯТИГА ЭКИШ МУДДАТИ ВА ИНОКУЛЯЦИЯНИНГ ТАЪСИРИ**

**Аннотация.** Мақолада Фарғона вилоятининг сугориладиган ўтлоқи саз-аллювиал тупроқлари шароитида соя етиштириши технологияси ёритилган. Бунда соянинг иккита навини (Орзу, Ойжамол) кузги буғдойдан кейин турли муддатларда экиш, шунингдек ургуларга экишдан олдин Нитрагин препарати билан ишлов берининг ўсимликни ўсии жараёни, фотосинтетик фаолиятига таъсири тадқиқ этилган.

Тажрибада соянинг Орзу ва Ойжамол навлари ургулари нитрагинсиз ва нитрагин билан инокуляция қилиниб, 10-15 июнь, 20-25 июнь, 1-5 июль ва 10-15 июль кунлари (2018-

**1Мамуров Х.А.,<sup>2</sup>Санакулов А.Л**

<sup>1</sup>Эркин тадқиқотчи, Кўқон давлат педагогика институти;

<sup>2</sup>к.х.ф.д., профессор, Самарқанд давлат университети, [sanakulov1975@gmail.com](mailto:sanakulov1975@gmail.com)

2020 йй.) экилди. Дала тажрибалари 16 вариант 3 тақрорликда ўтказилди. Тажрибада пайкаллар система тик равишда бир ярусли қилиб жойлаштирилди. Ўсимликнинг ўсув даври та крорий экин сифатида ўстиришида Орзу нави да ўрганилган омиллар таъсирида 75-98 кун

гача, Ойжамол навида 71-84 кунни ташкил этиб, ушибу давр мобайнида 53,6-112,0 ц/га биомасса етиширилганлиги аниқланди. Таъкидлаши лозимки, экиши муддатининг кейинга сурилиши билан ўсув даврининг қисқариб бориши кузатилса, уруғлар инокуляция қилиниб экилганда эса ўсимликнинг ўсув даври инокуляция қилинмаганга нисбатан Орзу навида 6-9 кунга, Ойжамол навида 2-6 кунга давомлироқ бўлганлиги қайд қилинди.

Таъкидлаши лозимки, Орзу навига нисбатан Ойжамол навида барг сони кўп бўлди. Экиши муддатининг 10-15.VI дан кечикиши билан ҳар иккала навда барг сони камайиб борди.

Экинзорнинг фотосинтетик потенциали тажриба вариантларида 0,85-3,82 млн м<sup>2</sup>/га\*кунни ташкил этиб, уруғлар 10-15.VI да экилган вариантларда 2,41-3,82; 20-25.VI да экилган вариантларда 1,50-2,27; 01-05.VII да экилган вариантларда 1,00-1,58 ва 10-15.VII да экилган вариантларда 0,85-1,43 млн м<sup>2</sup>/га\*кун бўлганлиги қайд этилди.

Экинлар фотосинтетик фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан бири фотосинтез соғ маҳсулдорлик (ФСМ) ҳисобланиб, тажрибада 2,37-6,37 г/м<sup>2</sup>\*суткани ташкил этди.

Фаргона вилоятининг сугориладиган ўтлоқи саз-аллювиал тупроқлари шароитида ўтказилган тадқиқотларда (2018-2020 йй.) соя навларининг вегетацияси даврида ФАР нинг келиши вариантлар бўйича 1,847-3,081\*10<sup>9</sup> ккал/га ни ташкил этганлиги ҳисобга олинди. ФАРдан фойдаланиш коэффициенти эса тажриба вариантларида 1,06-2,31%ни ташкил этди.

Экинзорга тушиган ФАР миқдори, ундан фойдаланиш коэффициенти ҳисобига тажриба вариантларида биомасса 53,6-112,0 ц/га ни ташкил этиб, энг юқори биомасса соя навлари уруғлари 20-25.VI да экилган вариантларда кузатилди. Ойжамол нави Орзу навига қарагандан ва Нитрагин препарати қўлланилганда биомасса кўп бўлганлиги қайд этилди.

**Калит сўзлар:** соя; ҳақиқий туп сони; барг сони; барг юзаси; БЮИ; фотосинтетик потенциал; фотосинтез соғ маҳсулдорлик;

фотосинтетик актив радиация;  $K_{FAP}$ ; биомасса.

**Аннотация.** В статье описана технология возделывания сои в условиях орошаемых лугово аллювиальных сазовых почв Ферганской области. При этом изучали влияние посева двух сортов сои (Орзу, Ойжамол) в разное сроки после озимой пшеницы, а также обрабатывали семена растений Нитрагином перед посевом и изучали воздействие на рост растений, а также на фотосинтетическую активность.

В эксперименте семена сортов Орзу и Ойжамол инокулировали без нитрагина и с нитрагином и высевали 10-15 июня, 20-25 июня, 1-5 июля и 10-15 июля (2018-2020 гг.). Полевые опыты в 16 вариантах проводили с трех повторностям. В эксперименте варианты размещались систематически в одноярусном порядке.

Период вегетации растения выращенный в качестве повторной культуры под влиянием изученных факторов у сорта Орзу составил 75-98 дней, у сорта Ойжамол 71-84 дней и в течение этого периода установлено рост биомассы на 53,6-112,0 ц/га. Следует отметить, что с переносом посева на более поздний срок наблюдался сокращение период вегетации, а при посеве семян с инокуляцией продолжительность периода роста у Орзу на 6-9 дней и у сорта Ойжамола на 2-6 дней дольше.

Следует отметить, что у сорта Ойжамол имел большие листьев, чем сорт Орзу. При задержке сроков посадки на 10-15.VI количество листьев у обоих сортов уменьшилось.

Фотосинтетический потенциал посевов в опытных вариантах составил 0,85-3,82 млн м<sup>2</sup>/га\*дней, в вариантах сеянных в 10-15.VI - 2,41-3,82; в 20-25.VI - 1,50-2,27; в 01-05.VII - 1,00-1,58 и в вариантах посадки 10-15.VII - 0,85-1,43 млн м<sup>2</sup>/га\*дней.

Одним из важных показателей фотосинтетической активности сельскохозяйственных культур является чистая продуктивность фотосинтеза (ЧПФ), которая в опыте составила 2,37-6,37 г/м<sup>2</sup>\*сутки.

При исследовании орошаемых лугово



## Озиқ-овқат хавфсизлиги: Миллий ва глобал муаммолар 2021/1

аллювиальных сазовых почв Ферганской области (2018-2020 гг.) приход ФАР за вегетационный период сои составила  $1,847\cdot3,081 \cdot 10^9$  ккал/га по вариантам, а коэффициент использования ФАР ( $KPD_{ФАР}$ ) в экспериментальных вариантах составил 1,06-2,31%.

Приход ФАР в посеве и за счет коэффициента его использования в опытных вариантах биомассы составляло 53,6-112,0 ц/га, наиболее биомасса сортов сои наблюдалась в вариантах посева 20-25.VI. Было отмечено, что сорта Ойжамол имел большие биомассы, чем сорта Орзу, который использовался препаратом Нитрагина.

**Ключевые слова:** соя; густота стояния; число листьев; площадь листьев; ИЛП; фотосинтетический потенциал; чистая продуктивность фотосинтеза; фотосинтетическая активная радиация; КПД<sub>ФАР</sub>; биомасса.

**Кириш.** Соя ўз дони, пояси ва илдизлари таркибида кўп микдорда оқсил сақловчи экиндири. Уни асосий ёки такrorий экин сифатида ўстириш орқали чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик учун оқсилли озуқа, шунингдек, экологик тоза ўсимлик мойи кўпайиши таъминланади, тупроқ биологик азот билан бойиб, унумдорлигини сақлаб қолиш имкони вужудга келади [15]. Юқоридагиларни ҳисобга олганда, соя етиштириш технологиясини илмий асосда ўрганиш, сояни такrorий экин сифатида экиш бўйича илмий тавсиялар бериш муҳим вазифа ҳисобланади. Аммо Фарғона вилоятининг суғориладиган тупроқларида соя навлари ҳамда уларни етиштириш технологияси кам ўрганилган.

Шундан келиб чиқиб, Фарғона вилоятининг ўтлоқи саз-аллювиал тупроқларида соянинг иккита навини (Орзу, Ойжамол) кузги буғдойдан кейин турли муддатларда экиш, шунингдек уруғларга экишдан олдин Нитрагин препарати билан ишлов беришнинг ўсимликни ўсиш жараёни, фотосинтетик фаолиятига таъсири тадқиқ этилди.

Соя навларининг ўсиш ва ривожланишини, такrorий экин сифатидаги ўзига хос жиҳатларини бир қатор олимлар, хусусан Ўзбекистонда Д.Ё.Ёрматова [8], Х.Н.Атабаева [2], Х.Н.Атабаева,

И.А.Исройлов, Н.С.Умарова [3], И.И.Абитов [1] ва бошқалар ўрганишган. Уларнинг фикрича, экиш муддати ва ризобиум бактериялари соя навларининг фенологик фазалари шаклланишига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳар бир нав учун маълум экиш муддати уларнинг ўсув даври давомийлигидан келиб чиқиб белгиланиши мақсадга мувофиқ.

### Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосили фотосинтез жараёнида пайдо бўлади, яъни яшил ўсимликларда карбонат ангидрид, сув ва қуёш энергиясидан органик модда ҳосил бўлади. Экинзор ҳолатини назорат қилишнинг энг оддий, информацион услуби бу – барг юзасини аниқлаш ва шу орқали экинзорнинг фотосинтетик потенциалига баҳо беришдир [17].

Одатда баргларнинг шакли ва сони етиштириш технологияси ва тупроқ-икклим шароитига боғлиқ ҳолда турлича бўлади [20].

Барг юзаси соянинг репродуктив даврига ўтишида жуда ортади ва  $60 \text{ минг м}^2/\text{га}$ , айрим ўртапишар навларда у  $115 \text{ минг м}^2/\text{га}$  ҳам етади. Аммо бундай максимал барг майдони ҳосил шаклланишида иштирок этмайди, чунки пастки баргларга ёруғлик етарли бўлмайди [4]. Х.Н.Атабаева, И.А.Исройлов, Н.С.Умарова [3] маълумотларига кўра, азотли ўғитларни 150 кг/га гача ошириб борилганда барг сатҳи ҳам ортиб бориб, ўртacha  $22,5\text{-}31,2 \text{ минг м}^2/\text{га}$  ни ташкил этганлиги аниқланган.

И.И.Абитов [1] тажрибаларида такrorий экин сифатида тор қаторлаб экилган Орзу навида барг сатҳи экиш меъёри ошган сари 34,8 дан 54,8 минг  $\text{m}^2/\text{гача}$ , кенг қаторлаб экилганда 29,6 дан 52,1 минг  $\text{m}^2/\text{гача}$  ошиб борганлиги аниқланган.

Экинзорларнинг фотосинтетик потенциали (ЭФП) қишлоқ хўжалик экинларининг қуёш радиациясидан фотосинтез жараёни учун фойдаланиш микдорини белгилайди. Экинзорни фотосинтетик потенциали кўрсаткичи барг майдони ва уни ишлаш даврини ўзида бирлаштирадиган кўрсаткич ҳисобланиб, фотосинтетик потенциал (ФП) биз ўтказган тажриба варианtlарида  $0,85\text{-}3,82 \text{ млн } \text{m}^2/\text{га} \cdot \text{кунни}$  ташкил этди. Экиш муддатининг кейинга суримиши билан ФП кўрсаткичи ҳам камайди.

Шу каби маълумотлар У.А.Делаев [7], А.А.Чураков [21] тадқиқотларида ҳам қайд этилган.

Фотосинтетик фаолият – барча ўсимликларнинг муҳим физиологик жараёни ҳисобланади. Ўсимликдан олинадиган маҳсулотнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари ушбу жараённинг активлигига боғлиқ. Фотосинтез интенсивлиги атмосфера азотининг актив симбиоз фиксациясига пропорционал боғлиқ [9].

Ўсимликнинг барг юзаси экинзор фотосинтетик фаолиятининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич қанчалик катта бўлса, ўсимликлар қуёш энергиясидан шунчалик кўп фойдаланади, туганак бактериялар зарур энергия ва ассимилянтлар билан шунчалик кўп таъминланади [10].

Дуккакли ўсимликларнинг симбиоз тизимида атмосфера азотининг фиксацияси – энергия талаб қиласидан жараён бўлиб, фотосинтез туфайли аккумуляцияланган қуёш энергияси эвазига содир бўлади. Фотосинтез интенсивлиги ва атмосфера азотининг симбиоз фиксацияси – иккита ўзаро боғлиқ жараён: ўсимликнинг азот билан таъминланиши яхшиланиши билан фотосинтез интенсивлиги ортади, шу билан бирга фотосинтез активлашиши билан азотфиксация ҳам ошади. Биологик азот билан таъминланиш яхшиланиши ва қуёш энергиясидан фойдаланишнинг ортиши билан дуккакли ўсимликлар ҳосили кўпаяди [4].

Экинзорнинг фотосинтетик потенциали (ЭФП) – барг сатхи ва унинг ишлаш давомийлигини бирлаштирадиган кўрсаткич ҳисобланади. ФП ўлчами қуёш энергиясидан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ ҳамда куруқ модда тўпланиши ва ҳосилдорлигига таъсир кўрсатади [16].

Фотосинтез соғ маҳсулдорлик (ФСМ) – фотосинтез интенсивлигини тавсифлайдиган муҳим кўрсаткич бўлиб, экинзорнинг фотосинтетик потенциали ва ўсимлиқда қуруқ модданинг тўпланишини ифодалайди. ФСМ кўрсаткичи сутка давомида ҳар бир  $m^2$  барг юзаси ҳисобига шаклланган қуруқ модда тўғрисида маълумот беради. ФСМ қанчалик юқори бўлса, экинзорнинг қуёш энергиясидан фойдаланиш коэффициенти ва ўз навбатида ўсимликнинг умумий биомассаси шунчалик

юқори бўлади [10, 16].

Ўсимликнинг маҳсулдорлиги кўплаб кўрсаткичлар билан тавсифланади, уларнинг орасида куруқ модданинг тўпланиши, ҳосилдорлик ва оқсил маҳсулдорлиги асосийлардан ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичлар экинзорнинг фотосинтетик фаолияти, хусусан, барг сатхи, ФСМ билан кучли боғлиқликда бўлади [18].

Ҳосил якуний кўрсаткич ҳисобланиб, нафақат ўсимлиқда кечадиган симбиоз ва фотосинтетик жараёнлар интенсивлигига, балки кўлланилган барча агротехнологик тадбирлар самарадорлигига боғлиқ [5].

Юкорида таҳлил қилинган адабиёт маълумотларидан маълум бўлишича, ўсимликнинг фотосинтетик фаолияти муҳим кўрсаткич ҳисобланиб, у нав хусусияти ва етишириш технологиясиға бевосита боғлиқ. Шунинг учун муайян худуд учун тавсия этилган навларнинг экиш муддатларини илмий асослашда уларнинг фотосинтетик фаолиятига эътибор қаратиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

### Тадқиқот методологияси

Дала тажрибалари эскидан суғориладиган ўтлоқи саз-аллювиал, механик таркибиға кўра ўртача қумоқ, сизот сувлар сатхи 1-2 м чукурликда жойлашган тупроқлар шароитида ўтказилди.

Гумус миқдори 0,9-1,2% атрофида, ялпи азот 0,09-0,11%, ялпи фосфор 0,12-0,13%, ялпи калий 1,96-2,10% ни ташкил этиши аниқланди.

Тажрибада соянинг Орзу ва Ойжамол навлари ургулари нитрагинсиз ва нитрагин билан инокуляция қилиниб, 10-15 июнь, 20-25 июнь, 1-5 июль ва 10-15 июль кунлари (2018-2020 й.) экилди. Дала тажрибалари 16 вариант 3 такрорликда ўтказилди. Тажрибада пайкаллар систематик равишда бир ярусли қилиб жойлаштирилди.

Тажрибада агрокимёвий, агрофизикавий ва микробиологик таҳлилларни бажаришда «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» [13], «Методы агрохимических исследований» [11] номли услугий қўлланмалардан фойдаланилди. Тажрибада ўтказилган барча фенологик кузатишлар ва биометрик ўлчаш жараёнлари қабул қилинган [6, 12] услублар асосида олиб



## Озик-овқат хавфсизлиги: Миллий ва глобал мұаммолов 2021/1

борилди. Экинзорнинг фотосинтетик фаолияти А.А.Ничипорович [14] бўйича таҳлил қилинди.

Хосилдорлик хар бир пайкал бўйича алоҳида йиғиштириб олиниб, гектар ҳисобида центнерга айлантирилди. Тажриба натижаларининг статистик таҳлили В.А.Ушкаренко ва бошқалар [19] бўйича амалга оширилди.

### Таҳлил ва натижалар

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз-аллювиал тупроқлари шароитида Орзу ва Ойжамол навлари уруғлари тақорорий экин сифатида фалладан бўшаган майдонларга (10-15.VI; 20-25.VI; 01-05.VII) Нитрагин билан ишлов берилб экилди.

Олинган маълумотларга кўра, ўсимликнинг ўсув даври тақорорий экин сифатида ўстиришда Орзу навида ўрганилган омиллар таъсирида 75-98 кунгача, Ойжамол навида 71-84 кунни ташкил этиб, ушбу давр мобайнида 53,6-112,0 ц/га биомасса етиштирилганлиги аниқланди. Таъқидлаш лозимки, экиш муддатининг кейинга сурилиши билан ўсув даврининг қисқариб бориши кузатилса, уруғлар инокуляция қилиниб экилганда эса ўсимликнинг ўсув даври инокуляция қилинмаганга нисбатан Орзу навида 6-9 кунга, Ойжамол навида 2-6 кунга давомлироқ бўлганлиги қайд қилинди.

Соянинг эртапишар навларида барг сони шоналаш ва гуллаш фазаларида экиш муддати таъсирида сезиларли ўзгаради. Мақбул экиш муддатида барг яхши ривожланади [4]. Демак, баргларнинг сони ёки уларнинг пайдо бўлиши ўсимликда бўғин оралиқлари сони ҳамда ён шоҳлар пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб, ўтказилган тажрибада уруғлар Нитрагин препарати билан ишлов берилб экилган варианtlарда барг сони 11,0-25,9 донани, нитрагинсиз варианtlарда 8,0-19,9 донани ташкил этди. Таъқидлаш лозимки, Орзу навига нисбатан Ойжамол навида барг сони кўп бўлди. Экиш муддатининг 10-15.VI дан кечикиши билан ҳар иккала навда барг сони камайиб борди.

Ўтказилган тадқиқотда (2018-2020 й.) ҳосил бўлган баргларнинг ассимиляцион юзаси ўсув даври охирида ўрта хисобда 11,25-39,96 минг м<sup>2</sup>/га ни ташкил этганлиги аниқланди. Экиш муддатининг 10-15.VI дан кейинга сурилиши билан барг юзаси камайганлиги, бактериал ўғит (Нитрагин) қўлланилган варианtlарда юқорилиги ва Орзу навига нисбатан Ойжамол навида барг юзаси бироз кенгроқлиги қайд қилинди.

Ассимиляцион юзанинг энг кичик кўрсаткичлари уруғлар 10-15.VII да экилган варианtlарда қайд этилди. Бунда ҳам Ойжамол навига нисбатан Орзу навида барг юзасининг кичиклиги ва ўз навбатида Нитрагин

### 1-жадвал

Соя навларининг фотосинтетик кўрсаткичлари (2018-2020 й.)

№	Экиш муддати (A)	Навлар (B)	Бактериал ўғит (C)	Барг сони, дона	Барг юзаси, минг м <sup>2</sup> /га	ФП, млн м <sup>2</sup> /га*қун	ФСМ, г/м <sup>2</sup> *сутка
1	10-15.VI (назорат)	Орзу (назорат)	Нитрагинсиз	18,3	28,15	2,60	2,37
		Нитрагин		24,7	38,83	3,82	2,41
		Ойжамол	Нитрагинсиз	19,9	29,23	2,41	3,06
			Нитрагин	25,9	39,96	3,37	3,24
2	20-25.VI	Орзу (назорат)	Нитрагинсиз	12,2	18,18	1,53	4,45
			Нитрагин	15,7	24,84	2,27	4,39
		Ойжамол	Нитрагинсиз	13,2	19,64	1,50	5,30
			Нитрагин	17,7	27,53	2,24	5,01
3	01-05.VII	Орзу (назорат)	Нитрагинсиз	8,5	12,12	1,00	6,25
			Нитрагин	11,6	17,39	1,55	5,98
		Ойжамол	Нитрагинсиз	10,7	16,04	1,21	5,52
			Нитрагин	12,5	19,36	1,58	6,17
4	10-15.VII	Орзу (назорат)	Нитрагинсиз	8,0	11,25	0,85	6,37
			Нитрагин	11,0	16,99	1,43	5,65
		Ойжамол	Нитрагинсиз	9,9	13,56	0,97	5,98
			Нитрагин	12,0	17,29	1,34	6,42

кўлланилган варианtlарда нисбатан юқорилиги аниқланди.

Таъкидлаш лозимки, экинзорнинг фотосинтетик фаолиятига нафақат экиш муддати, балки нав хусусияти ва бактериал ўғит ҳам таъсир кўрсатди, яъни Ойжамол навига нисбатан Орзу навида ва нитрагиниз варианtlарга нисбатан Нитрагин кўлланилган варианtlарда ассимиляцион юзанинг катта бўлиши ўсимликнинг вегетация даври бирмунча давомлироқ бўлганлигидан далолат беради.

яъни бу ҳолат экинзорда баргларнинг бирбирига соя ташлаши билан изоҳланади.

Фарғона вилоятининг суғориладиган ўтлоқи саз-аллювиал тупроклари шароитида ўтказилган тадқиқотларда (2018-2020 йй.) соя навларининг вегетацияси даврида ФАР нинг келиши варианtlар бўйича  $1,847-3,081 \cdot 10^9$  ккал/га ни ташкил этганлиги ҳисобга олинди (2-жадвал).

Маълумки, фотосинтез жараёнида қуёш энергияси яшил ўсимликлар томонидан қанча кўп ютилса, ҳосил (биомасса) шунчалик кўп

## 2-жадвал

Соя экинзорига ФАРнинг келиши, ундан фойдаланиш коэффициенти ва экинзор биомассаси (2018-2020 йй.)

№	Экиш муддати (A)	Навлар (B)	Бактериал ўғит (C)	Биомасса, ц/га	ФАР келиши, $10^9$ ккал/га	q, ккал/кг	Кфар, %
1	10-15.VI (назорат)	Орзу (назорат)	Нитрагиниз	61,5	2,806	0,48	1,06
			Нитрагин	91,9	3,081	0,48	1,45
		Ойжамол	Нитрагиниз	73,3	2,699	0,48	1,33
			Нитрагин	109,0	2,747	0,48	1,94
2	20-25.VI	Орзу (назорат)	Нитрагиниз	67,9	2,618	0,48	1,26
			Нитрагин	99,4	2,777	0,48	1,74
		Ойжамол	Нитрагиниз	79,1	2,435	0,48	1,58
			Нитрагин	112,0	2,640	0,48	2,08
3	01-05.VII	Орзу (назорат)	Нитрагиниз	61,9	2,046	0,48	1,47
			Нитрагин	92,5	2,040	0,48	2,21
		Ойжамол	Нитрагиниз	66,4	1,847	0,48	1,76
			Нитрагин	96,8	2,046	0,48	2,31
4	10-15.VII	Орзу (назорат)	Нитрагиниз	53,6	2,363	0,48	1,10
			Нитрагин	80,6	2,210	0,48	1,80
		Ойжамол	Нитрагиниз	57,5	2,273	0,48	1,23
			Нитрагин	85,5	2,385	0,48	1,76

Экинзорнинг фотосинтетик потенциали тажриба варианtlарида  $0,85-3,82$  млн  $m^2/ga^*$  кунни ташкил этиб, уруғлар 10-15.VI да экилган варианtlарда  $2,41-3,82$ ; 20-25.VI да экилган варианtlарда  $1,50-2,27$ ; 01-05.VII да экилган варианtlарда  $1,00-1,58$  ва 10-15.VII да экилган варианtlарда  $0,85-1,43$  млн  $m^2/ga^*$  кун бўлганлиги қайд этилди (1-жадвал).

Экинлар фотосинтетик фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан бири фотосинтез соф маҳсулдорлик (ФСМ) ҳисобланиб, тажрибада  $2,37-6,37$   $g/m^2*$  суткани ташкил этди. Барг сатхининг кенгайиши ва фотосинтетик потенциалнинг ортиши фотосинтез соф маҳсулдорликнинг пасайишига олиб келди,

бўлади. Шу жихатдан, ҳосил микдори фотосинтетик актив радиация (ФАР)дан фойдаланиш коэффициентига (Кфар) боғлиқ бўлиб, бу кўрсаткич маълумотларга кўра 2-3%, жуда юқори ҳосил олинганда 4-5% ва ундан юқори бўлиши мумкин. ФАРдан фойдаланиш коэффициенти биз ўтказган тажриба варианtlарида  $1,06-2,31\%$ ни ташкил этди.

Экинзорга тушган ФАР микдори, ундан фойдаланиш коэффициенти ҳисобига тажриба варианtlарида биомасса  $53,6-112,0$  ц/га ни ташкил этиб, энг юқори биомасса соя навлари уруғлари 20-25.VI да экилган варианtlарда кузатилди. Ойжамол нави Орзу навига қараганда ва Нитрагин прерарати



кўлланилганда биомасса кўп бўлганлиги қайд этилди.

### Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, Фарғона вилоятининг сұғориладиган ўтлоқи созаллювиал тупроқлари шароитида соя етиширишда уруғлар Нитрагин билан ишлов берилиб, июнь ойининг иккинчи ўн кунлигига экилганда, ўсимликларда қулай ўлчамларда барг шаклланишини, экинзорнинг фотосинтетик потенциали мақбуллашишини ҳамда куёшдан келаётган фотосинтетик актив радиациядан самарали фойдаланиши эвазига ўсимликнинг маҳсулдорлиги юкори бўлишини таъминлайди.

### Адабиётлар

1. Абитов И.И. Такрорий экилган соя навларининг ҳосилдорлигига экиш усули ва маъдан ўғитлар меъёрининг таъсири: Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Тошкент, 2018. -44 б.
2. Атабаева Х.Н. Соя. – Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2004. – 94 б.
3. Атабаева Х.Н., Исраилов И.А., Умарова Н.С. Соя – морфология, биология, етишириш технологияси: Монография. –Т.: ТошДАУ, 2011. -95 б.
4. Атабаева Х.Н., Умарова Н.С. Соя биологияси. –Тошкент, 2020. -228 б.
5. Атабаева Х.Н., Худойкулов Ж.Б. Ўсимлишунослик. -Т.: Фан ва технология, 2018. -368 б.
6. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. –Тошкент, 2007. -146 б.
7. Делаев У.А. Эффективность возделывания сои разных экотипов на основе интенсификации симбиотической и фотосинтетической деятельности агроценозов в условиях Предкавказья: Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора сельскохозяйственных наук. – Махачкала, 2012. -35 с.
8. Ёрматова Д.Ё. Мойли экинлар. – Тошкент, “Зарафшон”, 2002. -250 б.

9. Козырев А.Х. Научное обоснование реализации биологического потенциала люцерны в Центральной части Северного Кавказа: Автореф. дис. ... докт. с.-х. наук. – Владикавказ, 2009. - 42 с.

10. Маъмурев Х.А., Санакулов А.Л. Соя – фотосинтетик потенциал ва ҳосилдорлик // Agro ilm – O‘zbekiston qishloq va suv xo‘jaligi. 2021. -№6 (77). –Б. 22-24.

11. Методика агрехимических исследований / под ред. Ф.А.Юдин. -М.: «Колос», 1980. -365 с.

12. Методика государственного сортиспытания сельскохозяйственных культур. Выпуск второй. –Москва, 1989. -197 с.

13. Методы агрехимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах. -Ташкент, 1963. – 440 с.

14. Ничипорович А.А. Фотосинтетическая деятельность растений в посевах: методы и задачи учета в связи с формированием урожая. –М.: АН СССР, 1961. -135 с.

15. Санакулов А.Л., Нурбаев С.А. Сұғориладиган ерларда соя етишириш // Qishloq xo‘jalik mahsulotlarini yetishtirish, saqlash va dastlabki qayta ishlashning qishloq xo‘jaligi, ekologiya va tabiiy resurslardan samarali foydalanishni rivojlantirishdagi o‘rn. Respublika ilmiy anjumani maqolalari to‘plami. –Qarsi, 2017. –В. 162-164.

16. Санакулов А.Л., Ҳамедов Б.А. Ғўза ҳосилдорлигини оширишда фотосинтетик актив радиациянинг роли // Фермер хўжалигини ривожлантириш истиқболлари, профессор-ўқитувчиларнинг конференцияси материаллари тўплами. - Самарқанд, 2007. –Б. 27-29.

17. Сеитова О.В. Эффективность бактериальных удобрений на черноземе выщелоченном Рязанской области: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата сельскохозяйственных наук. –Воронеж, 2009. – 24 с.

18. Умарова Н.С. Абитов И.И. Культура сои в пожнивных посевах. -Т.: ТошГАУ. 2016. -96 с.



## Озиқ-овқат хавфсизлиги: Миллий ва глобал муаммолар 2021/1

19. Ушкаренко В.А., Лазарев Н.Н.,  
Голобородько С.П., Коковихин С.В.  
Дисперсионный и корреляционный анализ в  
растениеводстве и луговодстве: Монография. –  
М.: Изд-во РГАУ – МСХА имени  
К.А.Тимирязева, 2011. -336 с.

20. Худойқулов Ж.Б., Мухтаров Ф.А. Соя ва  
маҳсар етишириш [Матн]: илмий нашр /  
«Агробанк» АТБ. -Тошкент: “Тасвир” нашриёт  
уйи, 2021. - 48 б.

Чураков А.А. Влияние сорта и элементов  
агротехники на формирование урожайности  
сои в Красноярской лесостепи: Автореферат  
диссертации на соискание ученой степени  
кандидата сельскохозяйственных наук. –  
Красноярск, 2009. -24 с



**“ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ: МИЛЛИЙ ВА  
ГЛОБАЛ МУАММОЛАР” ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

**(№2021/1)**

Қоғоз бичими 60x84<sub>1/16</sub>. Офсет босма  
усулида. Адади \_\_\_\_ нусха. Буюртма  
рақами № 11/5.

«Самарқанд идеал принт» МЧЖ ускуналарида чоп  
этилди Самарқанд ш. Муаззамхон кўча., 53